

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ СМИТА ПАНТНИНГ SAMBHRAM
УНИВЕРСИТЕТИГА ТАШРИФИ: ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК
ЙЎНАЛИШЛАРИ

Надинова Хилола

Жиззах Sambhram университети

Аннотация

Мазкур мақолада Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Смиита Пант хонимнинг Sambhram университетида амалга оширган расмий ташрифи таҳлил қилинади. Ташриф доирасида икки давлат ўртасидаги таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик, қўшма лойиҳалар, академик ва талабалар алмашинуви, илмий тадқиқотлар ҳамда стипендия дастурлари муҳокама қилинди. Мақолада мазкур ташрифнинг стратегик аҳамияти ва унинг Ўзбекистоннинг халқаро таълим майдонидаги нуфузини оширишга қўшаётган ҳиссаси ёритилган.

Калит сўзлар: Ҳиндистон, элчи Смиита Пант, Sambhram университети, халқаро ҳамкорлик, таълим, маданий алмашинув, стипендия дастурлари, илмий тадқиқотлар.

1. Кириш

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги ислохотлар хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Айниқса, Осиё қитъасидаги стратегик ҳамкорлардан бири бўлган Ҳиндистон Республикаси билан олий таълим соҳасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Ҳиндистон элчиси Смиита Пант хонимнинг 2025 йил 5 май ойида Sambhram университетида ташрифи ушбу муносабатларнинг

янги босқичга кўтарилганлигини англатади. Бу ташриф таълим, илмий-тадқиқот ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик истиқболларини белгилаб берди.

2. Ташрифнинг мақсади ва умумий тавсифи

Ташрифнинг асосий мақсади Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, талабалар учун халқаро таълим имкониятларини кенгайтириш ва университетлараро муносабатларни институционал даражада ривожлантиришдан иборат бўлди. Sambhram университети асосчиси Э.А.Салиев, ректор Д.Хусанов ва проректорлар элчи Смиита Пант хонимни расмий тарзда кутиб олишди. Ташриф давомида элчи Смиита Пант университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашиб, Ҳиндистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги таълим ва маданият алоқалари ҳақида фикр алмашди. У шунингдек, университетнинг таълим жараёнлари, замонавий инфратузилмаси ва талабаларнинг ютуқлари билан танишди. Sambhram университети раҳбарияти Смиита Пант хонимнинг ташрифидан мамнун эканини билдириб, бу каби мулоқотлар икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим қадам эканини таъкидлашди. Учрашув давомида таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш, икки томонлама стажировкалар ташкил этиш, кўшма магистратура ва докторлик дастурларини жорий этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

3. Илмий ва маданий ҳамкорлик истиқболлари

Ташриф доирасида қуйидаги масалалар бўйича келишувлар ва таклифлар билдирилди:

- Академик алмашинув: Ўзбекистонлик талабаларнинг Ҳиндистоннинг етакчи университетларида таҳсил олиши учун стипендиялар ажратилиши, шунингдек, ҳинд талабаларнинг Ўзбекистондаги таълим муассасаларида таҳсил олиши масалалари кўриб чиқилди.
- Илмий-тадқиқот фаолияти: Кўшма илмий лойиҳалар, онлайн конференциялар,

илмий мақолалар алмашинуви ҳамда инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича келишувлар муҳокама қилинди.

- Маданий алмашинув: Талабаларнинг миллий фестивалларда иштирок этиши, Ҳиндистон маданиятини ўрганишга йўналтирилган курслар ва семинарлар ташкил этиш режалаштирилди.

4. Ўзаро ҳамкорликнинг стратегик аҳамияти

Таълим ва илм-фан соҳаларидаги ҳамкорлик фақат академик соҳада эмас, балки дипломатик, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам юксак натижаларга олиб келиши мумкин. Смиа Пант хонимнинг ташрифи – Ўзбекистоннинг халқаро таълим майдонидаги позициясини мустаҳкамлашда, ҳамкорликни институционал даражага олиб чиқишда муҳим босқичдир. Ушбу ташриф шунингдек, “Ҳиндистон–Ўзбекистон стратегик ҳамкорлик” дастури доирасида амалга оширилаётган мақсадларга ҳам мос келади. Ҳар икки томон таълим тизимидаги инновацион ёндашувлар билан ўзаро бойиш имкониятига эга.

5. Хулоса

Элчи Смиа Пантнинг Sambhram университети ташрифи – икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашдаги муҳим воқеалардан бири сифатида қайд этилади. Бу ташриф Sambhram университети талабалари учун янги академик истиқболлар, илмий ҳамкорлик ва маданий алмашинув эшикларини очади. Мазкур ташрифнинг натижалари ўлароқ қўшма таълим дастурлари, стажировкалар ва стипендия имкониятларининг амалга ошиши кутилмоқда.

6. Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Hindustan Times. (2024). India-Uzbekistan ties: Education, trade, and cultural cooperation in focus. <https://www.hindustantimes.com/>

3. Ministry of External Affairs of India. (2023). India-Uzbekistan Bilateral Relations. New Delhi.
4. Sambhram University Official Portal. (2025). News & Events. <https://www.sambhram.org/>
5. Pant, S. (2025). Speech at Sambhram University. Unpublished transcript.